

## Кеч кирган пайтда ўқиладиган дуо



17:00 / 24.05.2022 6019

Савбон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«**Ким кеч кирган пайтда:**

أَيُّبَنَ مَسْوَهِ لَعْلَعْلًا لَّصِدِّمٌ مَّوْبُوبٌ وَأَنْدِيمَ السُّلَيْبِ وَالرَّابِوَابِ رَهْلًا لِبَابِ تَيْضَرٍ

«**Розийту биллаҳи роббан ва бил Ислами дийнан ва би Муҳаммадин соллаллоҳу ʔалайҳи васаллама набиййа», деса, Аллоҳ уни рози қилиши (беражак неъматлари билан) ҳақиқат бўлади», дедилар.**

**Маъноси:** Аллоҳни раббим, Исломни диним, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни пайғамбар деб рози бўлдим.

Бу ҳадисни Термизий заиф иснод билан ривоят қилганлар. Лекин Абу Довуд ва Насайлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга хизмат қилган бир кишидан келтирган бошқа ривоят эса саҳиҳдир.